

ГЕРМАНИЯНИНГ МИГРАЦИОН СИЁСАТИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мадаминова Дурдона Искандаровна

Тошкент давлат юридик университети доценти, с.ф.д.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Германия мисолида миграцион жараёнларнинг кечиши, уларнинг авж олишига сабаб бўлувчи омиллар, жамият равақи, хусусан давлат бошқарувида мазкур омилнинг тутган ўрни ҳамда сўнгги йилларда ҳукумат вакиллари томонидан маҳаллий миқёсда ҳамда ЕИ доирасида муаммони бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаркатлар ва бу борадаги давлат сиёсати хусусиятлари юзасидан таҳлил ўтказилган.

Калит сўзлар: *миграция, реадмиссия, хавфсизлик, миграцион сиёсат, иқтисодий миграция, демографик динамика, гуманитар инқироз, иммиграция, эмиграция, реэмиграция, репатриация, сайлов кампанияси, электорат, миграцион фонга мансуб оила.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье проведен анализ миграционных процессов, факторов, влияющих на обострение миграционных процессов, роль данного фактора в развитии общества, в частности в государственном управлении, а также усилия предпринимаемые представителями власти по устранению проблемы на местном уровне и в рамках ЕС, а также рассмотрены особенности государственной политики Германии, направленной на предотвращение причин и последствий вызванных миграционными потоками.

Ключевые слова: *миграция, реадмиссия, безопасность, миграционная политика, экономическая миграция, демографическая динамика, гуманитарный кризис, иммиграция, эмиграция, реэмиграция, репатриация, избирательная кампания, электорат, выходцы из семей с миграционным фоном.*

ABSTRACT

This article analyzes migration processes, factors influencing the aggravation of migration processes, the role of this factor in the development of society, in particular in public administration, as well as the efforts made by government officials to eliminate the problem at the local level and within the EU, and also examines the features of the state policy of Germany aimed at preventing the causes and consequences caused by migration flows.

Key words: *migration, readmission, security, migration policy, economic migration, demographic dynamics, humanitarian crisis, immigration, emigration, re-emigration, repatriation, election campaign, electorate, people from families with a migration background.*

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳонда кечаётган мураккаб геосийсий, геоиқтисодий ва экологик жараёнлар шароитида глобал миқёсдаги миграция муаммоси юзага келди. Миграцияни ўзига хос мураккаб ва турфа хиллиги билан ажралиб турувчи ижтимоий феномен сифатида таърифлаш мумкин. Одатда, миграцион оқимлар ривожланиш кўрсаткичлари паст бўлган давлатлардан нисбатан тараққий этган, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган (масалан, ойлик маоши юқори бўлган) минтақа ва давлатлар томон ҳаракатланадилар. Глобал миқёсдаги кўчишлар ўз кўламига кўра, рекорд даражага етган бўлиб, айти пайтда ички кўчирилганларнинг умумий сони 55 миллион кишини, қочоқлар сони эса, 26 миллионни ташкил этмоқда. Гарчанд, халқаро муҳожирлар дунё аҳолисининг 3,6 фоизини ташкил этсада, давлатлар кесимида уларнинг турлича намоён бўлишини кўриш мумкин. Масалан, Саудия Арабистони каби давлатлардаги муҳожирлар сони аҳолининг 88 фоизини ташкил этади[1].

Миграцион жараёнлар жаҳон тараққиётининг муҳим элементи бўлиб, ўз кўлами, давомийлиги ва қамровига кўра, ўзига хос ўрин эгаллайди. Бугунги кунда миграцион жараёнлар дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий равнақида ўзига хос ўрин эгаллайди. Мавжуд ҳолат миграцион оқимлар учун ўзига хос марказ вазифасини ўтаб келаётган Германия мисолида яққол кўзга ташланади. Шунга кўра, миграцион жараёнларнинг Европа давлатлари равнақида тутган ўрнининг Германия мисолидаги таҳлили алоҳида қизиқиш уйғотиши табиий.

Германия томонидан юритиб келинаётган ўзига хос миграцион сиёсатни бир қанча омиллар билан боғлаш мумкин:

- демографик ўсиш суръатларининг пастлиги фонида меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги;

- урушдан кейинги йилларда бошқа миллат ва элатлар олдидаги “айбдорлик ҳисси”;

- низоли ҳудудлардан кириб келувчи қочоқларга нисбатан инсонпарварлик нуқтаи назаридан кўмак кўрсатишга бўлган уринишлар шулар жумласидандир.

Адабиётлар таҳлили ва методлар: Мақола тайёрлаш жараёнида мавзуга доир араб, инглиз ва рус олимларининг илмий ишларига муурожаат қилинди.

Муҳокама:

Миграция муаммосининг келиб чиқиш тарихи қадимги даврга бориб тақалади. Тахминларга кўра, инглиз олими Равенштейн томонидан 1885-1889 йилларда миграцияга илк бор илмий-назарий жиҳатдан таъриф берилган. Унга

кўра, миграция – кишилар яшаш жойининг доимий ёки вақтинча ўзгариши билан боғлиқ ҳодисадир.

Тадқиқотчи Д.Муйдинов миграцион жараёнлар хусусида фикр юритиб, шундай дейди: “Миграция – инсоният ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, узоқ тарихга эга бўлган ҳадсиз-ҳудудсиз жараёндир. Миграциянинг миллати йўқ. У умумбашарият тенденциясидир. Глобаллашув жараёни билан айниқса миграция аввалги даврларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада ортмоқда[2].

Бошқа томондан тадқиқотчи З.Қодирова таъкидлаганидек, глобаллашув жараёнлари, илм-фан ва ахборот технологияларининг фаол тараққиёти кишиларнинг дунё мамлакатлари бўйлаб эркин ҳаракатланиши учун тобора янги ва кенг имкониятлар яратмоқда[3].

Тор маънода миграцияга ҳудудий кўчишларнинг тугалланган (тўлиқ) шакли сифатида, кенг маънода эса, кишиларнинг кўчиб юриши билан боғлиқ ҳаракат сифатида таъриф берилади. Жаҳон амалиётида одатда, миграция атамаси тор маънода қўлланилади.

Аҳолининг кўчиши билан боғлиқ жараёнда икки муҳим қондининг амал қилиши талаб этилади:

- 1) аҳолининг турли аҳоли пунктлари орасида кўчиб юриши;
- 2) мавжуд ҳаракатлар замирида доимий яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ жараёнлар кузатилиши лозим.

Табиийки, аҳолининг бундай миграцияси нафақат халқаро меҳнат бозорига, балки минтақавий барқарорлик ва давлатлардаги ички ижтимоий-иқтисодий мувозанатга ўз таъсирини ўтказди. Шу жиҳатдан миграция тушунчасига нисбатан илмий-амалий ёндашувларда ижобий ва салбий қарашлар мавжуд. Миграция қабул қилувчи давлатларни замонавий билим ва кўникмаларга эга, тайёр етук мутахассислар билан таъминлаб, унинг тараққиётига хисса қўшиши мумкин. Бошқа томондан, айнан мигрантлар қочоқ сифатида қабул қилувчи давлатларнинг мавжуд ижтимоий-сиёсий барқарорлигига таъсир ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, етакчи мутахассисларнинг мамлакатдан ташқарига чиқиб кетиши, юборувчи давлат учун салбий ҳолат саналади.

Бугунги кунда ИТ мутахассисларининг Белоруссия ва Россияни оммавий тарзда тарк этиши мазкур давлатларда ҳам хавотирга сабаб бўлмоқда. Европа давлатлари Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги қочоқ кўринишидаги мигрантларнинг оқими жадаллашувидан манфаатдор эмас. Бу борада ЕИ 2015 йилда Туркия билан қочоқларни Туркия ҳудудида тутиб туриш бўйича шарпнома ҳам имзолаган. Россияда меҳнат мигрантлари иқтисодиёт

тармоқларини танқис бўлган арзон ишчи кучи билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Зеро, COVID-19 пандемияси шароитида чегаралар ёпилиши оқибатида мамлакат иқтисодиёти ишчи кучи етишмаслиги билан боғлиқ мауммоларни бошдан кечирди. Шу билан бирга, мигрантлар Россия учун юборувчи давлатларга босим ўтказиш инструменти сифатида ҳам имкон яратмоқда. Демак, миграция ва унинг оқибатлари бу давлатлар томонидан қайси ракурс орқали баҳолалишига боғлиқдир.

Халқаро майдонда миграция оқимининг шаклланиши турли сабаблар: уруш, иқлим шароити, гуманитар инқироз, этник босим ва бошқалар орқали юз бериши кузатилмоқда. Шунингдек, давлат бошқарувининг тўғри ташкил этилмаслиги ва номақбул сиёсий қарорлар натижасида давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг оғирлашуви миграцион оқимларнинг янада фаол ҳаракатланишига сабаб бўлмоқда. БМТ томонидан илгари сурилган прогнозларга кўра, 2050 йилга бориб ер юзасида аҳоли сони 9,7 миллиардга, 2100 йилда эса 11 миллиардга етади. Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг 61% Осиё минтақасига (4,7 млрд), 17% - Африка (1,3 млрд) хиссасига тўғри келади[4]. Миграцион инқирознинг айнан аҳоли зич жойлашган минтақаларда юз бераётганлиги келгусида бунинг сақланиб қолиши эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатмоқда.

1990 йилда Германиянинг бирлашуви миграция сиёсатида муҳим бурилиш ясади, десак хато бўлмайди. Буларнинг бари миграцион сиёсатнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатди. Ташқи омиллар таъсирида миграцион сиёсатнинг қайта кўрилиши замирида Германия иммиграцион давлат мақомига эга бўлди.

Буни сўнгги йилларда миграцион оқимларнинг ортиши фонида Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ҳудудида кечаётган иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан ўзаро боғлаш мумкин. ЕИГА аъзо давлатларнинг чегара ҳудудларида қўриқлаш хизматини амалга оширишчи Frontex агентлигининг берган маълумотларига кўра, мавжуд миграцион оқимлар кўлами Covid-19 пандемияси авж олгунига қадар кузатилган кўрсаткичга нисбатан сезиларли даражада ортган. Ўсиш суръатлари аввало, Марказий Ўртаер денгизи орқали ўтувчи йўлда кузатилади. Бу ердан Тунис ва Ливиядан Италия томон ҳаракатланувчи муҳожирларни кузатишимиз мумкин.

Ўртаер денгизининг шарқий ва ғарбий йўналишларидаги вазият нисбатан барқарор[5]. Европа бошпана идорасининг ҳисобларига кўра, муҳожирларнинг катта қисми Франция (54 105 та ариза), Испания (41 799) ва Италия (37 492) томон ҳаракатланган. 2021 йилнинг август ойида Афғонистонда “Толибон”нинг

ҳоқимият тепасига келиши, мазкур давлат фуқароларининг ҳам Европа давлатлари томон ҳаракатланишига сабаб бўлди[6].

2020 йилда қочоқ мақомини олиш учун қилинган умумий мурожаатлар сонининг камайиши кузатилган (ГФР Миграция бўйича Федерал идорасига 122 170 та ариза келиб тушган). Бироқ, 2021 йилда ваколатли органларга келиб тушган аризаларнинг умумий сони 190 816 тани ташкил этган[7].

Маълумки, Греция томонидан қочоқ мақомига эга бўлмаган чет эл фуқароларини Германияга транзит ва иккиламчи миграция орқали йўллаш чоралари қўлланилмоқда. Мавжуд ҳолат Берлиннинг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда. Юзага келган вазият Германия томонидан миграцион оқимларни бошқариш ва ўзаро тақсимлаш масъулиятини ошириш юзасидан олиб борилаётган сиёсатни издан чиқармоқда. Шу боисдан, эндиликда Германияда ҳаво чегараларида бўйлаб ички назоратни жорий этиш ҳамда шу тарзда кириб келувчиларни зудлик билан депортация қилиш режелаштирилмоқда. Германиянинг ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотларига кўра, Италия Марказий Ўртаер денгизи йўли бўйлаб қитъага келган ва кейинчалик қочоқ мақомини олиш мақсадида Германияга қочиб ўтган ноқонуний муҳожирларни танлаб олиш йўли билан Дублин конвенцияси талабларига зид фаолият олиб бормоқда. Юзага келган вазиятга ечим топиш мақсадида, немислар ноқонуний трансчегаравий миграцияга қарши курашиш юзасидан Рим билан ҳамкорликнинг янги моделлари устида иш олиб бормоқдалар[8].

Миграция муаммоси ўз ортидан ички сиёсат, хусусан, сайлов жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолатган йўқ. Айти пайтда, миграция масаласи сиёсий жараёнлар самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи кўплаб муаммолар, хусусан Covid-19 на қарши кураш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кабилардан кейинги ўринга тушиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Буни 2021 йилги сайлов кампанияси натижалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, дастлабки тахминларга кўра, Баден-Вюртембергдаги сайловлар миграция омилнинг таъсири натижасида нисбатан силлиқ кечиши куталаётган эди.

Аммо, сайлов натижаларига кўра, “Яшиллар” партияси (32,6 фоиз) биринчи ўринни, Христиан-демократик иттифоқ (ХДИ) (24,1 фоиз) иккинчи ўринни, Германия социал-демократик партияси (11 фоиз) учинчи ўринни, Эркин демократик партия (ЭДП) (10,5%) тўртинчи ўринни ҳамда “Германия учун муқобил”лар (9,7%) бешинчи ўринни эгалладилар. Рейнландия-Пфалтсдаги сайлов натижаларига кўра, социал-демократлар биринчи ўринда

(35,7 фоиз), ХДИ иккинчи (27,7 фоиз), “Яшиллар” партияси учинчи (9,3 фоиз) ва “Германия учун муқобил”лар (8,3 фоиз) тўртинчи ўринни эгаллаган. Рейнланд-Пфальцда ўтказилган сайловларда эса, Социал-демократлар (35,7%) биринчи, ХДИ (27,7%) иккинчи, “Яшиллар” (9,3%) учинчи ҳамда “Германия учун муқобил”лар (8,3%) тўртинчи ўринни эгалладилар.

2021 йилнинг 26 сентябрида Бундестаг учун ўтказилган сайловлар чоғида ҳам миграция омили ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Таҳлилларга кўра, сайлов жараёни давомида миграция муаммоси ўз долзарблигини сақлаб қолган. “Германия учун муқобил”лар томонидан миграцияга оид кескин фикрлар билдирилди. Хусусан, қочоқлар оилаларининг бирлашуви ва қочоқ мақомини олиш юзасидан аризаларни кўриб чиқиш даврида ўз давлатига вақтинча чиқиб келишни чеклаш кабилар шулар жумласидандир. Мавжуд чекловлар билан бир қаторда, ўз давлатига пул маблағларини юборганлик учун солиқ жорий қилиш, шунингдек, немислар учун хавф туғдирмайдиган ҳуқуқбузарларни содир этганлик учун мажбурий депортация қилиш таклифи ҳам илгари сурилган.

2017 йилда ўтказилган сайлов кампаниясидан фарқли ўлароқ, 2021 йилги сайловларда Христиан-демократик иттифоқ (ХДИ) томонидан нисбатан қатъий қарашлар илгари сурила бошлади. Унга кўра, депортация тизимини такомиллаштириш, оилаларни ўзаро бирлаштириш моделини тартибга солиш, кириб келувчи қочоқлар сонини босқичма-босқич тарзда қисқартириш ҳамда ЕИга аъзо давлатлар ўртасида миграция сиёсати борасидаги масъулиятни ўзаро тақсимлаш назарда тутилган.

“Яшиллар” партияси ҳамда Германиянинг социал-демократик партияси (СДП) томонидан илгари сурилган ёндашувлар, жумладан икки фуқаролик институтини жорий қилиш, расман қочоқ мақомига эга бўлган шахсларга таълим олиш ва бандлигини таъминлаш имкон бериш кабиларда кўп жиҳатдан ўхшашликлар кузатилган. Парламент сайлови натижаларига кўра, СДП ғалаба қозонди (25,7%), иккинчи ўринни ХДИ (24,1%), учинчи ўринни “Яшиллар” (14,8%), тўртинчи ўринни Эркин демократик партия (ЭДП) (11,5%) ҳамда бешинчи ўринни “Германия учун муқобил”лар (10,3%) эгалладилар[9].

Германиянинг давлат сиёсати даражасига кўтарилган миграция муаммосининг келгусидаги ривожланиш истиқболлари хусусида тўхталган ҳолда, яқин келажакда унинг кун тартибидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолиши ҳамда янги Федерал ҳукумат томонидан қабул қилинадиган қарорларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши хусусидаги тахминларни илгари суриш мумкин. Германиядаги мавжуд демографик вазиятнинг трансформациялашуви, ўз навбатида миграция сиёсатининг устувор йўналишларини босқичма-босқич

тарзда ўзгартиришга хизмат қилиши табиий. Айни пайтда, Германия аҳолисининг 26 фоизи, яъни 21,2 миллионини миграцион муҳитига эга бўлган оила вакиллари ташкил этади [10].

Миграцион муҳитни яхшилаш борасидаги муҳим қадамлардан бири, фуқаролар фаровонлигини ошириш, барча учун тенг имкониятлар яратишга хизмат қилувчи жамиятни шакллантириш ҳамда экстремизмга нисбатан комплекс тарзда қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатлар ташкил этади. Миграцион фонга мансуб оила вакиллари[11] учун муайян соҳалардаги ҳуқуқларни кенгайтириш, хусусан, таълим олиш ва бандлигини таъминлаш борасидаги тенг ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятларини яратиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлар ҳам шулар жумласидандир.

Ноқонуний миграция билан боғлиқ муаммоларга қарши кураш сиёсати доирасида этник характердаги жиноий жамоалар (кланлашган жиноят) фаолиятига чек қўйиш, жамиятнинг радикаллашувига йўл қўймаслик ҳамда реадмиссия [12] тизимини тартибга солиш кабилар назарда тутилган. Юқоридаги саъй-ҳаракатлар жумласига давлат ҳудудига кириб келиш мезонларини ишлаб чиқиш, меҳнат миграциясини тартибга солиш ҳамда Германия фуқаролигини қабул қилиш тизимини мукамаллаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнини ҳам киритиш лозим.

Эътиборга молик бўлган жиҳатлардан яна бири, бевосита сайлов натижалари билан боғлиқ. Парламентга ўтказилган сайлов натижалари, эндиликда кутилган натижага эришиш учун миграцион жамиятлар билан ўзаро мулоқотни кучайтириш зарурати юзага келаётганини кўрсатди. Етакчи сиёсий куч ҳисобланган электоратнинг тобора кексайиб бораётгани (айни пайтда, ХДИ ва ГСДП сайловчиларининг ўртача ёши 60 ёшни ташкил этмоқда), фаол ёшлардан иборат бўлган ижтимоий гуруҳлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва шу йўл билан уларни сиёсий ҳаётга жалб қилишни тақозо қилмоқда. Шунга кўра, сўнгги йилларда етакчи сиёсий партиялар томонидан кадрларни танлаб олиш, тайёрлаш ва истиқболли номзодларни сайлаб қўйилувчи лавозимларга тавсия қилишга йўналтирилган тегишли дастурлар амалиёти йўлга қўйилган [13].

2024 йилнинг 25 октябрь куни Лейпцигда Германиянинг 16 федератив штатлари бўйича бош вазирлари иштирокида миграция масалаларига бағишланган йиллик конференция ташкил этилган. Тадбир чоғида Германияга кириб келаётган ва бошпана сўраб мурожаат қилган ноқонуний муҳожирлар оқими тобора ортиб бораётгани, шу боисдан уларнинг сонини қисқартириш

юзасидан тезкор чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Шу ўринда, 2024 йил якунларига кўра, уларнинг умумий сони 200 мингдан ошиши кутилаётгани ҳам маълум қилинган. Украиналик қочоқлар Германияда алоҳида мақомга эга бўлганликлари боис, улар мазкур рўйхатдан ўрин эгалламаганлар.

Соҳа вакиллари томонидан миграцион оқимларни қисқартириш юзасидан бир қатор таклифлар илгари сурилган. Уларнинг жумласига, индивидуал тартибда бошпана олиш ҳуқуқини бекор қилиш, қочоқларнинг Германия худудига кириб келишини чеклаш, украиналик қочоқлар учун ажратилган имтиёزلарни қисқартириш, хавфсиз ҳисобланган давлатлар билан бир қаторда, Сурия ва Афғонистон каби давлатларга депортацияни амалга ошириш жараёнини тезлаштириш каби таклифларни киритиш мумкин.

Анжуман якунларига кўра, қочоқлар оқимини қисқартириш юзасидан радикал чоралар кўриш тўғрисида бўйича умумий келишувга эришилмаган. Аммо, миграцион оқимларнинг тобора ортиб бораётгани фониди, бунга қарши кескин чоралар кўриш лозимлиги юзасидан якуний қарорга эришилган.

Юқорида таъкидланганидек, миграция муаммоси сайловлар жараёнига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омиллар сирасига киради. Шунга кўра, 2025 йилнинг 23 февралда ўтказилиши режалаштирилган парламент сайловларида ҳам мазкур масала ўз долзарблигини сақлаб қолиши табиий.

Қуйи Саксония бош вазири, ГСДП вакили Штефан Вайл ҳам бу борада тўхталиб қуйидагиларни маълум қилган. якуний матбуот анжуманида гапирди. Унинг сўзларига кўра, “Миграция мавзуси аллақачон сайловолди курашидан муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, у жамиятнинг парчаланишига хизмат қилмоқда. Биз, миграцион оқимларни қисқартириш юзасидан амалга оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирлар устида прагматик асосда фаолият юритишдан манфаатдор бўлишимиз лозим” [14]. Штефан Вайл ўз фикрлари давом эттирар экан, кўплаб консерваторлар қатори, Германия конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган бошпана олиш ҳуқуқини бекор қилиш таклифини илгари сурган.

ГФР расмийлари миграция муаммосининг ечими борасида Европа Иттифоқига катта умид боғламоыдалар. Маълумки, 2023 йилда ЕИга аъзо давлатлар иштирокида бошпана ва вақтинчалик ҳимоя бериш тартибини ўзгартириш юзасидан келишувга эришилган. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш учун яна икки йил талаб этилади. Айти пайтда, Германия халқи вакиллари канцлер Олаф Шольцнинг марказий ҳукумати томонидан бу борада тезкор қабул қилинишидан умидвор эканликларини баён этмоқдалар.

Бундан ташқари, улар 2015 йилда ЕИ ҳудудида кузатилган ўткир миграцион инқироз натижасида деярли музлатиб қўйилган Дублин келишувини қайта тиклаш лозимлиги юзасидан ҳам фикр билдирмоқдалар. Шунингдек, Германияда истиқомат қилиб келаётган қочоқларнинг оилаларни ўзаро бирлаштириш ҳақидаги илтимосларни фақат истисно ҳоллардагина қондириш таклифи билдирилмоқда.

ХУЛОСА

Бугунги кунда Германия учун долзарб аҳамият касб этаётган миграцион жараёнлар, кўп жиҳатдан ташқи сиёсат омиллари таъсирида тобора жиддий тус олаётганини кўрсатмоқда. Немислар ҳам, ЕИга аъзо бўлган бошқа давлатлар каби миграцион босим остида қолмоқда. Бунга Яқин Шарқ минтақасида юзага келган вазият (2023 йилнинг 7 октябрида бошланган Араб-Исроил можароси ҳамда 2024 йилнинг 27 ноябрида Сурияда Башар Асад ҳокимиятига қарши курашнинг авж олиши) натижасида кескинликнинг янги босқичга кўтарилиши ва бунинг ортидан иккиламчи миграциянинг авж олиши сабаб бўлмоқда. Эътиборга молик жиҳати шундаки, эндиликда Россия ва Украина ўртасидаги низоли вазият фонида миграцион оқимларнинг ҳаракатланиш йўналишида ҳам туб бурилиш ясалмоқда. Шунга кўра, Германия ҳукумат олдида Шарқий Европа давлатлари билан боғлиқ ҳолда, ноқонуний трансчегаравий ҳаракатларга қарши туриш ва кириб келган қочоқларни жойлаштириш билан боғлиқ муаммонинг ечимида янгича ёндашувларни илгари суриш вазифаси турибди.

Айни пайтда, Германия миграция муаммосининг ечимлари борасидаги янги ташқи сиёсий ташаббусларни илгари сурувчи Европа координатори сифатидаги мавқеини сақлаб қолишга уринмоқда. Бу борада, у ЕИга кириб келган муҳожир масаласида жамоавий масъулиятни ҳис қилиш, қочоқ мақомини олишга интилаётган шахслар учун квоталар ажратишни ўзаро тенг миқдорларда тақсимлаш, иккиламчи миграцияга қарши кураш ҳамда муаммога потенциал тарзда дуч келувчи давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш каби тамойилларга амал қилиш таклифини илгари суриб келмоқда. 2025 йилда ўтказилиши кутилаётган парламент сайловлари натижасига кўра, немис бундестагидан ўрин эгаллаши кутилаётган халқ вакиллари миграция масалалари юзасидан интеграциялашган ёндашувга эътибор қаратишларига умид боғланмоқда. Бунда, муҳожирларнинг келиб чиқувчи давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, низоли ҳудудлардан кириб келувчи қочоқларни тартиб асосида қабул қилиш, меҳнат бозорига хорижлик малакали мутахассисларни жалб қилиш, муҳожирларнинг босқичма-

босқич тарзда жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, шу жумладан улар томонидан немис тилининг ўзлаштирилишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. *World Migration Report 2022: Chapter 2 - Migration and Migrants: A Global Overview.* // URL.: <https://publications.iom.int/books/world-migration-report-2022-chapter-2>
2. Муйдинов Д. Миграцион жараёнларнинг жамият барқарорлигига таъсири: Монография. – Тошкент: ТДШУ, 2022. – Б. 21.
3. Қодирова З.А. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2016. –Б.68.
4. Народонаселение // <https://www.un.org/ru/global-issues/population> – кўрилган вақт 04.07.2022.
5. Von Drüten C. [Illegale Migrationsströme in die EU nehmen zu – 2021 um fast 70 Prozent] // Welt. 20.11.2021. // URL.: <https://www.welt.de/politik/ausland/article235163124/Frontex-Chef-IllegaleMigrationsstroeme-in-die-EU-nehmen-zu-2021-um-fast-70-Prozent.html>
6. [Wieder mehr Asylanträge in Deutschland und EU] // Deutsche Welle. // URL.: <https://www.dw.com/de/wieder-mehr-asylantr%C3%A4ge-in-deutschland-und-eu/a-59530274>
7. [Anzahl der Asylanträge (insgesamt) in Deutschland von 1995 bis 2022] // Statista. // URL: <https://de.statista.com/statistik/daten/studie/76095/umfrage/asylantraege-insgesamt-in-deutschland-seit-1995/>
8. [Erstes Außenministertreffen in Rom: Mehr Zusammenarbeit bei Migration und Klima] // RND. 10.01.2022. URL: <https://www.rnd.de/politik/italien-baerbock-beitreffen-mehr-zusammenarbeit-bei-migration-und-klima-MVOS43T2X6SQN5R4WLEHJQQW4Y.html>
9. [Das AfD-Wahlergebnis ist ein gesamtdeutsches Problem] // Deutschlandfunk. Немецкое радио. URL: https://www.deutschlandfunk.de/sachsen-und-thueringen-das-afd-wahlergebnis-ist-ein.720.de.html?dram:article_id=503809
10. [Koalitionsvertrag 2021–2025 zwischen der SPD, Bündnis 90/Die Grünen und FDP] // Sozialdemokratische Partei Deutschlands // URL: <https://www.spd.de/koalitionsvertrag2021/>
11. Миграцион фонга мансуб оила вакилларида иборат бўлган фуқаролар (нем. «mit Migrationshintergrund») деганда – 1949 йилдан кейинги даврда

Германия худудига кириб келганлар; хорижий фуқаролар оиласи ёхуд оналаридан бири 1949 йилдан кейинги даврда Германия худудига кириб келган немис оиласида дунёга келган ёки ўзи шундай оилада дунёга келганлар тушунилади. Мазкур атама 2005 йилда “Аҳолининг репрезентатив статистикаси ва бандлик кўрсаткичларини юритиш тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартишлар билан боғлиқ ҳолда муомалага кириб келган. Унга кўра, эндиликда аҳолини рўйхатга олиш сўровномаларига давлати/туғилган жойи, фуқаролиги ва этник келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларни ҳам киритиш кўзда тутилган.

12. Рeadмиссия (инглиз тилидаги to readmit – қайтариб олмоқ) – бу давлатлар ўртасидаги келишув асосида аввал ўз худудида яшаган фуқаролари ёки хорижлик фуқароларни бошқа давлат худудидан чиқариб юборилиши муносабати билан қайтариб олиниши.

13. Wiesendahl E. Wozu die Alt-Achtundsechziger noch gut sind // Das Progressive Zentrum. // URL.: <https://www.progressives-zentrum.org/wozu-die-alt-achtundsechziger-noch-gut-sind/>

14. Жолквер Н. Ужесточение немецкой миграционной политики отложено. Почему? // URL.: <https://www.dw.com/ru/uzestocenie-nemeckoj-migracionnoj-politiki-otlozeno-pocemu/a-70602984>